ООО "XBFINANSEKONSULTING"
АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ

«Чиноз Пахта Тозалаш» Акциядорлик жамиятининг 2020 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботига ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ.

«Чиноз Пахта Тозалаш»
акциядорлик жамияти рахбариятига

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхонанинг реквизитлари:

Корхона ва ташкилотининг тўлиқ номи	«Чиноз Пахта Тозалаш» акциядорлик жамияти (кейинги матнларда «жамият» деб юритилади)
Юридик манзили ва телефон рақамлари:	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шахри, Охунбобоев кўчаси, 1-уй.
Давлат руйхатидан утказилганлиги тугрисида маълумот:	Тошкент вилояти, Чиноз туман Хокимияти томонидан 1995 йил 22 июн куни № 394 сон билан рўйхатга олинган.
Банк реквизити:	Хисоб рақами: 2021 0000 2001 3190 2001 ЧИНОЗ Т., "АГРОБАНК" АТБ ЧИНОЗ ФИЛИАЛИ, МФО 00476.
СТИР	200 453 372.
ИФУТ	68202

Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Аудиторлик ташкилотининг тулик номи:	Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «XB FINANSE KONSULTING» аудиторлик ташкилоти
Юридик ва почта манзили:	Тошкент шахри, Госпитал дахаси 11/2-А.
Давлат руйхатидан утказилганлиги тугрисида маълумот:	Юридик шахсни давлат руйхатидан утказиш тугрисида ГУВОХНОМА № 1018 2005 йил 11 майда берилган
Аудиторлик фаолияти учун лицензия:	Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 11 апрелда берилган АФ.00809-сонли "Узбекистон республикаси худудида аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи" лицензия
Банк реквизитлари:	Асосий жорий хисоб раками: 20208000604408712001 «DavrBank» Чилонзор филиали (МФО:01046)ИНН:205666530, ОКЭД: 69202.
Аудиторлик ташкилоти директори:	Рузимов М.С, Аудитор малака сертификати №05540 2017 йил 22 декабрда берилган
Аудиторлик текшируви рахбари:	Рузимов М.С, Аудитор малака сертификати №05540 2017 йил 22 декабрда берилган

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “XB FINANSE KONSULTING” аудиторлик ташкилотининг аудитори Рузимов М.С, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда берилган №05540-сонли «Аудитор малака сертификати»га хамда аудиторлик ташкилоти билан «Чиноз Пахта Тозалаш» акциядорлик жамияти ўртасида тузилган 2021 йил 20 апрельдаги 10/04-21 сонли шартномага асосан «Чиноз Пахта Тозалаш» акциядорлик жамиятининг 01.01.2020 йилдан 31.12.2020 йилгача бўлган даври учун тузилган “Корхона баланси” – форма № 1, “Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот” – форма № 2, “Пул окимлари тўгрисидаги Хисобот” - форма №4, “Ўз сармояси тўгрисидаги Хисобот” - форма №5 шаклларидан иборат молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Чиноз Пахта Тозалаш» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Чиноз Пахта Тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

«XB FINANSE KONSULTING» аудиторлик ташкилоти директори: **Рузимов М.С.**

Хулоса тузилган сана:

«30» апрель 2021 йил.

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city,
tel: +998 71 252 37 04, fax: 8 371 150 23 01, email: XB.Finanse-konsultin@mail.ru.